

Қуръоннинг дўсти



10:00 / 05.03.2022 2613

(Аббод ибн Бишр розияллоху анху)

Аббод ибн Бишр Ансорий розияллоху анху Мадинада Исломга биринчилардан бўлиб кирган таниқли саҳобалардан. Мусъайб ибн Умайрнинг даъватидан сўнг мусулмон бўлган. Тақводор, ҳалол, омонатдор, Қуръони Каримни тинмай қироат қилиб юрвчи обид зот бўлган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан барча ғазотларда қатнашган. Бу саҳобий Абу Бакр Сиддиқ замонларида диндан қайтган муртадларга қарши урушда ҳалок бўлган.

Аббод ибн Бишр розияллоху анхунинг номи Ислом тарихида ёрқин из қолдирган. Агар уни обидлар ичидан изласангиз, тақволи, ҳалол, тунлари ибодатда қойим туриб, Қуръон оятларини ажиб овозда тиловат қилаётганига гувоҳ бўласиз. Агар уни волийлар орасидан истасангиз, мусулмонларнинг молига ва жонига ниҳоятда омонатдорлигига амин бўласиз. Ҳазрати Оиша розияллоху анҳо фазл жиҳатидан ҳеч ким тенг келолмайдиган уч мадиналик ансорни зикр этганида унинг номини ҳам тилга олганди.

Аббод маккалик даъватчи йигит Мусъаб ибн Умайрнинг мажлисида бир марта бўлдию, у билан дўстлашиб қолди. Ҳар икковининг қалбидаги

иймоннинг ниҳоятда мустаҳкамлиги, хулқ-атворларидаги олийжаноб ахлоқ ва гўзал фазилатларнинг умумийлиги улар ўртасидаги дўстликни янада кучайтирди. Мусъабнинг хуш овозда Қуръон тиловат қилаётганини эшитган Аббод Аллоҳнинг Каломини бир умрга севиб қолди. У Каломуллоҳ қироатини ўзининг кундалик севимли машғулотига айлантирди. Юрсаям-турсаям, сафарда ҳам, муқимликда ҳам Аллоҳнинг Китобини қўлдан қўймади. Ҳатто саҳобалар орасида «Имом», «Қуръоннинг дўсти» лақабларини орттирди.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Оишанинг масжидга тақаб солинган ҳужрасида таҳажжуд намозига турган эдилар, Аббод ибн Бишрнинг овозини эшитиб қолдилар. У Қуръони Каримни Жаброил алайҳиссаломнинг қироатига ўхшатиб жуда ёқимли қилиб қироат қилаётганди. Шунда Расули акрам ҳазрати Оишадан: «Эй Оиша, бу Аббод ибн Бишрнинг овозими?» деб сўрадилар. Тасдиқ жавобини олгач, «Ё Аллоҳ, унинг гуноҳларини мағфират айла», деб дуо қилдилар.

Аббод ибн Бишр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча ғазотларида у зот билан бирга қатнашди. Ҳатто у зот Зотур-риқоъ ғазотидан қайтаётганларида Аббод маккалик тутинган иниси Аммор ибн Ёсир билан бирга ҳаётини хавфга солиб бўлса-да, Аллоҳнинг Пайғамбарини қўриқлаб чиқишган. Ўшанда аламзада мушрик камондан уч марта ўқ узиб, намоз ўқиётган Аббодни қаттиқ жароҳатлаганига қарамай, у дам олаётган шеригини уйғотишга кўзи қиймайди, қўриқчиликни давом эттираверди. Аммор Аббоднинг уч еридаги жароҳатидан қон оқаётганини кўриб, «Субҳаналлоҳ, нега биринчи ўқ теккандаёқ мени уйғотмадинг?» деди. «Бир сурани ўқиётган эдим, охирига етказмай тўхтатишни истамадим. Аллоҳ ҳаққи, агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларини зое қилиб қўйиш хавфи бўлмаганида намозни тўхтатишимдан кўра нафас олишни тўхтатишим осонроқ бўларди», деди.

Аббод кейинчалик Абу Бакр Сиддиқ замонларида диндан қайтган муртадларга қарши урушда ҳалок бўлди. Ўшанда Мусайлима Каззоб деган ёлғончи пайғамбар пайдо бўлиб, ҳаммани Исломдан чиқишга, ўзига эргашишга чақира бошлади. Абу Бакр Сиддиқ Мусайлиманинг разолатига чек қўйиш учун қўшин ҳозирладилар. Аббод ҳам мужоҳидлар сафининг аввалида эди.

Ҳал қилувчи жанг олдидан тунда Аббод туш кўрди. Тушида осмон очилибди, Аббод ичкарига кирганидан сўнг у ёпилибди. Тонг отгач кўрган тушини Абу Саъид Худрийга сўзлаб бераркан, «Аллоҳга қасам, мен шаҳид

бўламан, эй Абу Саъид!» деди. Кун ёйилиши билан қаттиқ жанг бошланиб кетди. Аббод бир тепалик устига чиқиб, ансорларни жангга руҳлантира бошлади. Такрор-такрор даъватидан сўнг унинг атрофида тўрт юз чоғли ансор тўпланди. Улар орасида Собит ибн Қайс, Баро ибн Молик, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам берган қиличнинг эгаси Абу Дужоналар бор эди. Аббод биродарлари билан қақшатқич жангга отланди. Мусайлима Каззобнинг шавкати синиб, унинг издошлари «Ўлим боғи»га яшириниб олишди. Аббод эса жароҳати кўплигидан жасадини таниб бўлмайдиган даражада боғ девори остида шаҳодат топди. Юксак мақомга эришган бахтиёр саҳобани баданидаги бир аломати орқалигина зўрға таниб олишди.

Муниба Аҳмад

«Ҳилол» журналининг 1(34) сонидан